

Ўзбек матбуоти тарихида "Ал-Ислох" журнали алохида ўрин тутади. У ойда икки марта чоп этилган бўлиб, 1915—1918 йиллар оралигига етмиш етти сони босилиб чиккан. 1915 йил 14 январда Абдурахмон Сайёх ва Мунаввар кори Абдурашидхоновлар ташабуси ва саъй-харакати билан ташкил килинган журналнинг максад ва вазифалари хакида куйида фикрлар берилади (2-сон):

"Ислох"и замон мусулмонларга диний, дунёвий хизмат киладургон мажалладур. "Ислох" мусулмонларни Китоб ва суннат тарафига чакирадургон мажалладур. "Ислох" мусулмонларни номашру ишлардан куткарадургон мажалладур. "Ислох" мусулмонларни масалаи фикх ва эътиқоду заруриятдан хабардор киладургон мажалладур".

Журнал жамиятни турли бидъат ва хурофотлардан тозалашга катта эътибор каратди. Ўлкада миллий гояларнинг таркалишида асосий вазифани бажарди. "Ал-Ислох" сахифаларида Ислом тарихи, динимиз асослари ёритиб борилди.

Журналда "Савол-жавоб" рукни бўлган, унда асосан имон, эътиқод, шариат конун-коидаларига оид саволларга жавоблар ёзилган. "Имон надур" (1915, 4-сон), "Ислом надур" (1915, 4-сон), Фазлул-ваҳҳоб корининг "Зарурий саволлар" (1915, 16-сон), Сидкий Хондайликийнинг "Йиртилган Куръонни нима кilmok керак" (1916, 14-сон), Мулла Олимхоннинг "Мулла Хошим саволига жавоб" (1916, 8-сон), "Уламоларнинг вазифалари" (1915, 4-сон) каби маколаларида ўша давр уламоларининг ижтимоий хаётга фаол муносабатлари ифодасини топган.

Ўтмишга оид маколаларда Ислом динимиз тарихи, пайгамбарлар, сахобалар, тобеинлар хакида кимматли маълумотлар берилган. Диний-маърифий маколалар муаллифлари ижтимоий муаммолар ечими учун "маъруф хадис ва уламолар асарлари"га таянган холда фикр юритишган. Масалан, Олимхон Тўра ўзининг "Урватул вуско" номли маколасида гумон килишнинг гуноҳ экани хакида фикр билдиради. Муаллиф: "Масалан, фасод ва бузуклиги очик билинган кишига яхши сувратда, яъни, ок чопон ва катга салла ила ўлғонлигига караб, хусни зон килуб они хийла ва фасодларида ўзини гирифтор этмак дуруст эмас"; ёки бўлмаса: «бир-бирингизнинг ботиний-важхий холларингиздан жосуслик этмангизлар ва бир-бирларингиз оркаларингиздан айбжўлик этмангизлар»,

деб ёзади.

Мухаррир Абдурахмон Сайёх асарлари хам алохида ахамиятга молик. Журналда унинг "Тарихи Ислом", "Тухфатул анам тарихи Байтул харам", "Тарихи Азолатул гайнан киссатул Зулкарнайн", "Танвирул ахдок фи макаримул ахлок" каби маколалари босилган. "Тухфатул анам тарихи Байтул харам" асарида Маккаи мукарраманинг ахволи, унинг табиати, Байтуллохнинг илк биноси, уни Одамнинг (алайхиссалом) таъмирлаши, Макоми Иброхимнинг ободонлаштирилиши, масжиднинг минбари хакида мулоҳазалар баён килинади.

Бадиий адабиёт масалалари га хам журнал бефарқ карамайди. Айникса, жадид маърифатпарварлари бадиий асарлари билан фаол иштирок этишади. Журнал сахифаларида Хамза, Саидахмад Васлий, Исҳокхон Ибрат, Камий, Сидкий Хондайликий, Тавалло, Зафархон Жавхарий, Баҳрилдин Азмий каби таникли ижодкорларнинг, шунингдек, Мулла Хошим Хайратий, Шамсиддин Хоиб, Мутриб ва ижодий фаолияти шу пайтгача ўрганилмай келган бошка кўплаб муаллифларнинг асарлари чоп этилган.

Журнал фаолияти, мазмун-мохияти, рукнлари ва муаллифлари шу пайтгача батафсил ўрганилмаган. Бунинг асосий сабабларидан бири якин кечмишда совет мафкурасининг динимизга ўта бирёқдама муносабатда бўлганидир.

Кўлдош ПАРДАЕВ